

Ўзбекистонда sog'liqni saqlash Здравоохранение Узбекистана



Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2015 йил 15 июль № 290 Тошкент шаҳри

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг режасига биноан, шунингдек, тиббиётнинг долзарб йўналишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж ва талабни эътиборга олиб, вазирлик буюртмасига асосан

Б У Ю Р А М А Н

1. Клиник ординатура орқали мутахассисларни 2015/2016 ўқув йилида тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати 1-иловага;

олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бўйича 2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага умумий ва мақсадли тартибда қабул қилинадиган ўринлар режаси 2-иловага;

илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида 2015/2016 ўқув йилида мақсадли клиник ординатурага қабул қилиш режаси 3-иловага;

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатура қабули тест ва оғзаки имтиҳон синовларини олий таълим муассасалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларида ташкил этиш жадвали 4-иловага мувофиқ;

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул бўйича масъул котиблар рўйхати 5-иловага;

олий таълим муассасалари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари клиник ординаторларини “Миллий истиқлол ғояси” фанини ўқитиш учун Тошкент врачлар малакасини ошириш институти, олий таълим муассасаларига бириктириш жадвали 6-иловага;

2015/2016 ўқув йили клиник ординатурага ҳужжатларни қабул қилиш жараёнида клиник ординатура мутахассисликларига бакалаврият йўналишларининг мослиги 7-иловага;

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисидаги ҳисобот шакллари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 18 декабрдаги “Тиббиёт ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 319-сонли қарори билан тасдиқланган “Клиник ординатура тўғрисида”ги Низомга асосан қабул ва ўқиш жараёни амалга оширилсин.

3. Клиник ординатурага қабул қилиш тартибига асосан:
- клиник ординатурага танлов тест ва оғзаки синовлар ёрдамида амалга оширилсин. Тест синовлари баҳолари – 50 фоиз, оғзаки синов баҳолари – 50 фоиз билим кўрсаткичлари деб қабул қилинсин;

- баҳолар йиғиндиси клиник ординатурага кириш максимал балининг 30 фоизидан кам бўлган ҳолларда, ушбу врачлар танловда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас.

4. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2012 йил 12 июндаги 170-сонли “Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги муассасаларда тиббий (врачлик) ва фармацевтик мутахассисликлар ва лавозимлар номенклатурасини эгаллаган лавозимга олган маълумот даражаси мослигини инобатга олган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруғининг 1-иловасига асосан клиник ординатура орқали мутахассисларни 2015/2016 ўқув йилида тайёрлаш 1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида амалга оширилсин.

1-иловада келтирилган мутахассисликлар рўйхати асосида буйруқда кўрсатилмаган мутахассисликлар бўйича қабул жараёнидаги вазият асосида муассасалар таклифи асосида Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан рухсат берилиши инобатга олинсин.

5. Клиник ординатура қабули эълонини оммавий ахборот воситалари орқали чоп этиш “Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана” газетаси (И. Ж. Соатова) ва интернет тармоғи орқали ёритиш Электрон соғлиқни сақлашни ривожлантириш “Uzmedinfo” маркази (М. В. Боймухамедов)га юклатилсин.

(Давоми 3-бетда).

Ҳамшира – 2015

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ – СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАҲСУЛИ



Юртимизнинг сўлим гўшаларидан бири бўлган Фарғона вилоятида 9-11 июль кунлари “Ҳамшира – 2015” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Қизгин ва кўтаринки кайфиятда ўтган, шунингдек, йилдан-йилга нуфузи ортиб бораётган мазкур кўрик-танлов республика тиббиёт муассасаларида ўз билим ва малакаси билан фидойи меҳнат қилаётган зукко, билимдон ва чаққон ҳамшираларни эзгу мақсад сари бирлаштирмоқда. Мамлакатимиз ҳудудларидан ташриф буюрган 14 нафар ҳамширлар билим ва маҳорат бобида чинакамига соғлом рақобат муҳитини яратдилар.



(Давоми 2-бетда).

Хамшира — 2015

БИЛИМ ВА МАҲОРАТ — СОҒЛОМ РАҚОБАТ МАҲСУЛИ



«Хамшира – 2015» республика кўрик-танловига мезбонлик қилган Фарғона аҳли меҳмонларни самимийлик руҳида кутиб олдилар. Танлов иштирокчилари биринчи кунни водийнинг тарихий қадамжоларидан бири бўлган Қўқон хонлигининг Худоёрхон ўрдаси (XIX аср) тарихий музейига ташриф буюрдилар. Улар ўтмиш ва бугундан ҳикоя қилувчи музейдаги ноёб экспонатларни томоша қилиб, бой таассуротлардан, шунингдек, жоме масжидидаги миллий кадрларимиздан бўлган хунармандлик, наққошлик намуналаридан ҳам баҳраманд бўлдилар.

Тадбирнинг иккинчи кунни танлов иштирокчилари меҳнатларининг самараси бўлган амалий билимларини Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида синовдан ўтказдилар.

Иштирокчилар 11 июль кунни, Фарғона водийси кўригига кўрк бағишлаб турган Тинчлик ва эзгулик монументи бўлган она-бола ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Сўнгра, Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раисаси Тўлқини Тожиева билан учрашдилар.

Куннинг иккинчи ярмида ҳамширалар Марғилон шаҳридаги «Ёдгорлик» фабрикаси, яъни қадимий миллий матола-римиз бўлган адрас ва атласларни ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишдилар.

11 июль кунни Президентимиз ташаббуси билан бунёд этилган муҳташам театр-концерт саройида тадбирнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Фарғона вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Ш. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. Худаяровлар иштирок этиб, Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни вояга етказиш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётганини таъкидладилар. Дарҳақиқат, «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури ижроси доирасида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўлами янада кенгайиб бормоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

батлантириш баробарида, ўз касбининг моҳир устаси бўлган истеъдод эгаларини юзага чиқармоқда. Фарғона вилоятида бўлиб ўтган республика кўрик-танловида иштирок этган 14 нафар ҳамшираларнинг зукколиги, чаққонлиги, қолаверса амалиётда синналган тажрибалари уларнинг ҳамширалик касбига бўлган садоқатини кўрсата олди. Айниқса, иштирокчилар танловнинг иккинчи шarti, яъни назарий саволларга берган жавоблари билан соҳада эришилаётган муваффақиятларни ифодалаб бердилар.



Танловнинг мамлакат босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 14 нафар ҳамшира қизлар бешта шарт бўйича ўз билим ва тажрибаларини синовдан ўтказдилар. Маълумки, биринчи шарт бўйича: ҳамшира ташрифи, иккинчи ва учинчи шартларда уларнинг назарий ва амалий билимлари, тўртинчи шартда ижтимоий-сиёсий ва маърифий жиҳатдан фоллиги ҳамда бешинчи шарт бўйича эса эркин мавзудаги чиқишлари ҳайъат аъзолари томонидан одилона баҳолаб борилди. Зеро, кенг аудиториядаги бу кўрик-танловда республика миқёсига чиқишнинг ўзи катта бахт бўлса, кўп сонли томошабинлар нигоҳида, яъни катта саҳнада куч синашишнинг ўзи бўлмади. Бир сўз билан айтганда, улардаги билим, маҳорат, истеъдод бир-бирига уйғунлашиб, иштирокчилар эътиборини ўзига тортди.

Чинакам баҳс майдонида айланган мазкур танловни малакали ҳайъат аъзолари адолат мезонлари доирасида холисона баҳолаб бордилар. Ҳар бир шарт бўйича қўйилган баҳолар изоҳлаб, йўл қўйилган хато ва камчиликлар тушунтириб берилди. Ютуқлар эътироф этилди. Чунки, танловнинг барча босқичларига ҳамширалар жиддий ва астойдил тайёргарлик кўриб, ушбу босқичга етиб келган эдилар. Келинг, яхшичи, мазкур танловнинг қай даражада ўтганлиги ҳамда ҳамширалар фаолиятида қандай ўрин тутаётганлигини холис баҳолаб борган ҳайъат аъзолари фикрига эътибор қаратайлик.

Бахтиёр МАҲАМАДАЛИЕВ,
Ўзбекистон Касаба уюшма
Федерацияси Кенгаши
раиси ўринбосари:

– Кўп йиллардан буён ўтказиб келинаётган «Хамшира» кўрик-танлови нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам эътироф этилаётганлиги билан аҳамиятлидир. Мазкур танловда доимий иштирок этиб келаман. Йилдан-йилга аудиториясини кенгайтираётган ушбу тадбир республикамиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 300 мингдан ошқ ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, рағ-

«Хамшира» кўрик-танловларининг мунтазам ўтказиб келинаётганлиги юқоридаги фикрларнинг ёрқин ифодасидир. Фарғона вилоятида ўтказилган ушбу кўрик-танловда иштирок этган 14 нафар ҳамшира қизларнинг Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона филиалида амалий жараёнларни бажариб, қабулга келган беморларга биринчи ёрдам кўрсата олишда тажрибаларини ишга солиб, тезкорлик ва масъулият билан ёндошганликлари бизни мамнун этди. Улар ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ва муолажаларни бехато бажаришга ҳаракат қилиб, айниқса асептика-антисептика қоидаларига риоя қилдилар.

Ўрол АБИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш
вазирлигининг Маънавият
ва маърифат маркази
раҳбари:

– Катта саҳнада касб либослари ўзига ярашиб турган Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларидаги 14 нафар ҳамшира қизларда бугунги замонавий ҳамширанинг асл қиёфасини кўрдим. Иштирокчи-



Фарход ХАНАПИЯЕВ,
Ўзбекистон Соғлиқни
сақлаш ва фармацевтика
ходимлари касаба уюшмаси
республика
Кенгаши раиси:

– Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилиб келинаётган республика «Хамшира» кўрик-танловининг ўзига хослиги шундаки, танлов иштирокчилари тадбир давомида бешта шарт бўйича ўз билим ва тажрибаларини синовдан ўтказдилар. Бу билан айтмоқчиманки, улар катта саҳнада беш соат давомида билим, маҳорат ва истеъдодларини намоян этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлган бўлсалар, тиббиёт муассасасида беморларга, қолаверса аҳолига қўрсатаётган тиббий хизматлари ҳамда машаққатли меҳнатларига тан берсак арзийди. Шундай экан, биз бу каби тадбирларни доимий қўллаб-қувватлаб, мунтазам тарзда давом этиши тарафдоримиз.

Мавлуда ЗИЯЕВА,
1-республика тиббиёт
коллежи директори:

– Ташкиллаш лозимки, бугунги кунда юртимизда илғор ҳамширалик мактаби яратилди, десак хато бўлмайди. Президентимиз томонидан «Хамширалик иши»га бўлган эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимиз тиббиёт муассасаларида меҳнат қилаётган 300 мингдан зиёд ҳамширалар меҳнатини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришдан иборатдир. Бунинг баробарида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ташаббуси билан «Йилнинг энг фаол ҳамшираси»,

Шоҳсанам АКБАРОВА,
1-ўрин соҳибаси
(Фарғона вилояти):

– Бугунги кўлга киритган муваффақиятим, бу албатта, Президентимизнинг биз ёшларга яратиб бераётган кенг имконият ва шароитларидан деб биламан. Республика финал босқичига етиб келиш мен учун осон бўлмади. Бундай катта муваффақиятга эришишимда барча устоз ва ҳамкасбларимнинг ҳиссаси катта деб ҳисоблайман. Менга билдирилган юксак ишонччи оқлаб, келажақда шифокорлик касбини эгаллаб, халқ саломатлигини муҳофаза этишда астойдил хизмат қиламан.

Сарвиноз ИСЛОМОВА,
Қорақалпоғистон
Республикаси Болалар
оқумли касалликлар
шифохонаси реанимация
бўлими ҳамшираси,
Муниса ҲОШИМОВА,
Тошкент вилояти Зангиота

тумани тиббиёт
бирлашмаси тез тиббий
ёрдам бўлими ҳамшираси:

– Ушбу кўрик-танлов бизнинг ҳаётимизда унутилмас бўлди. Айниқса, Қўқон шаҳридаги Худоёрхон ўрдаси тарихий музейи, жоме масжиди, Марғилондаги «Ёдгорлик» фабрикасида бўлганлигимиз Фарғона водийсининг тарихий обидаларга бойлигидан дарак беради. Шунингдек, Фарғона вилояти ҳокимлигида бўлиб, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раисаси билан учрашдик. Танловнинг яна бир муҳим жиҳати мамлакатимиз ҳудудларидан ташриф буюрган ҳамкасбларимиз билан танишганлигимиз, синов майдонида ўзаро беллашиб, тажриба алмашганлигимиз бўлди. Шу ўринда танлов иштирокчилари учун кенг им-



лар танловнинг таништирув шартида ўзларининг самимий ва илиқ фикрларини баён этган бўлсалар, ижтимоий-сиёсий ва маърифий саволларга зукколик билан жавоб бердилар. Шунингдек, бешинчи шарт, яъни уларнинг эркин мавзудаги чиқишлари қатнашчиларни лол қолдирди десам, хато қилмаган бўламан. Айниқса, ҳамшира қизларнинг ижро этган жозибали рақсларию дилрабо кўшиқларини тинглаб, уларнинг санъат бобидаги истеъдодларига юқори баҳо бердик. Шундай экан, бу каби фидойи, чаққон ва билимдон ҳамширалар сафини кенгайтираётган «Хамшира» кўрик-танлови ташкилотчиларига миннатдорчилик билдириб, бундан кейинги тадбирлар янада раванқ топишига ишонамиз.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, Фарғона водийсида ўтказилган «Хамшира – 2015» республика кўрик-танлови кўтаринки кайфиятда ақунланиб, голиб ва иштирокчилар ташкилотлар томонидан диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар. Кенг доирада давом этаётган мазкур кўрик-танлов маҳоратли ҳамширалар сафини янада ошираверади деб умид билдириб қоламиз.

Ибодат СОАТОВА.
Муаллиф олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2015 йил 15 июль

№ 290

Тошкент шаҳри

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

6. Тиббиёт олий таълим муассасалари ва Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректорлари, Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиали, Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Нукус филиаллари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари, уларнинг филиаллари директорларига:

клиник ординатурага қабулни оммавий ахборот воситаларида танлов эълон қилинган кундан бошлаб, жорий йилнинг 20 августигача (шу куни ҳам) амалга оширсин.

Қабул қилинган ҳужжатлар тўғрисидаги маълумотни жорий йилнинг 23 августига қадар ўрнатилган тартибда Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топширсин.

Клиник ординатурага қабул жорий йилнинг 10 сентябрга қадар таъминлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар квотаси бўйича берилган мақсадли ўринларга танловни ҳар бир вилоят учун алоҳида ташкил этсин ва ажратилган ўринларга ушбу ҳудудларда яшовчи ёки бошқа вилоятларда ишлаш истагини билдирган врачларни қабул қилиш;

илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари учун клиник ординатурага берилган ўринларга танловда иштирок этувчи врачларга танловнинг тест синовлари 5-иловада бирик-

тирилган тартибда бепул ташкил этиш; клиник ординатурага қабул қилиш режасини бажарганлиги тўғрисидаги ҳисоботни жорий йилнинг 14 сентябргача вазирликнинг Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармасига топшириш;

клиник ординатурага кириш учун танловда иштирок этувчи ҳар бир врачга унинг ҳужжатлари қабул қилинганлиги ва имтиҳон синовлари муддати кўрсатилган маълумотнома қабул комиссияси томонидан берилишини таъминлаш;

клиник ординатурада 2015/2016 ўқув йили қабули бўйича ўқув жараёнини жорий йилнинг 12 сентябридан бошлаш;

ОТМ битирувчиларини клиник ординатурага қабул қилган ҳар бир муассаса уларни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар билан тузилган "Уч томонлама шартнома" нусхасини ва битирувчиларга ОТМ томонидан тақдим этилган "Ишга қабул қилинганлик тўғрисидаги йўлланма"ни тўлдириб, улар битирган олий таълим муассасасига тақдим этиш;

клиник ординатуранинг тугатган ҳар бир мутахассисни ишга жойлашиш мониторингини таъминлаш мақсадида, улар тўғрисидаги маълумотни Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармаларига тақдим этиш топширилсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бар-

ча вилоятлар соғлиқни сақлаш бошқармалари бошлиқларига ажратилган квота доирасида, туманлар эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда, врачларни танловда иштирок этиш учун жалб этиш юклатилсин.

8. Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи (Ў. С. Исмаилов), тиббий таълимни ривожлантириш маркази (М. Х. Алимова)га: республика тиббиёт олий таълим муассасаларида ташкил этилган янги клиник ординатура мутахассисликлари (диетология, клиник фармакология, болалар жарроҳлик стоматологияси) бўйича ўқув дастурлар 2015 йил 26 август кунига қадар тузилиши таъминлансин ва тасдиқлансин.

9. Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А. А. Худаяров, Фан ва ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ў. С. Исмаиловга:

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри учун клиник ординатурага ажратилган ўринлар тўлдирилмаса, уларни регионал квота доирасида қайта тақсимлаш;

Тошкент шаҳрида танловдан ўтган врачлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, илмий ва ихтисослаштирилган марказлар филиалларида ўқиш розилигини билдирган ҳолда, уларни вилоят квотаси доирасида юбориш;

олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихти-

сослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари эҳтиёжидан келиб чиқиб, клиник ординатура қабулига киритилган асосланган таклифларни кўриб чиқиш ва қўшимча ўринлар ажратишни назарда тутиш топширилсин.

10. Иқтисодиёт, маблағ билан таъминлаш ва истиқболни аниқлаш Бош бошқармасига (Б. А. Хашимов):

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида 2015/2016 ўқув йилида клиник ординаторларни тайёрлаш бир йиллик ўқитиш қиймати ҳисоб-китобларини жорий йилнинг 1 августига қадар ишлаб чиқсин.

Олий таълим муассасалари, илмий-текшириш институтлари, илмий ва ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказларидаги клиник ординаторлар учун "Миллий истиқлол ғояси" фанини икки йил мобайнида умумий 108 соат ўқитиш учун сарф-харажатлари ҳисоб-китобини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда маблағ билан таъминлансин.

11. Белгилаб қўйилсинки, клиник ординатуранинг тугатган врачлар мутахассислиги бўйича ишга жойлашганлигини тасдиқловчи меҳнат дафтарчасини тақдим этганларидан сўнг уларга гувоҳнома берилсин.

12. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А. А. Худаяровга юклатилсин.

Вазир А. АЛИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
2015 йил 15 июлдаги 290-сонли буйруғига 1-илова

Клиник ординатура орқали 2015/2016 ўқув йилида мутахассисларни тайёрлаш бўйича мутахассисликлар рўйхати

1.	Акушерлик ва гинекология
2.	Анестезиология ва реаниматология
3.	Ички касалликлар (терапия)
4.	Кардиология
5.	Гематология
6.	Дерматовенерология (тери-таносил касалликлари)
7.	Юкумли касалликлар
8.	Неврология (асаб касалликлари)
9.	Патологик анатомия
10.	Психиатрия
11.	Клиник радиология
12.	Нейрохирургия
13.	Умумий онкология
14.	Оториноларингология
15.	Офтальмология
16.	Реабилитология (даволаш физкультураси, курортология, физиотерапия)
17.	Суд тиббиёт экспертизаси
18.	Травматология ва ортопедия
19.	Урология
20.	Фтизиатрия
21.	Умумий хирургия
22.	Эндокринология
23.	Болалар анестезиология ва реаниматологияси
24.	Болалар юкумли касалликлари
25.	Болалар ва ўсмир қизлар гинекологияси
26.	Болалар хирургияси
27.	Болалар неврологияси
28.	Педиатрия
29.	Лаборатория иши
30.	Болалар терапевтик стоматологияси
31.	Терапевтик стоматология
32.	Ортопедик стоматология
33.	Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)
34.	Ортодонтия
35.	Юз-жағ хирургияси
36.	Наркология
37.	Пульмонология
38.	Неонатология
39.	Ревматология
40.	Аллергология ва иммунология
41.	Тиббий психология
42.	Эпидемиология
43.	Касб касалликлари
44.	Спорт тиббиёти
45.	Диетология
46.	Клиник фармакология
47.	Болалар жарроҳлик стоматологияси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг
2015 йил 15 июлдаги 290-сонли буйруғига 2-илова

Олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари, Тошкент врачлар малакасини ошириш институти бўйича 2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага умумий ва мақсадли тартибда қабул қилинадиган ўринлар режаси

№	Мутахассисликлар	Тошкент тиббиёт академияси															
		Жами:		Эркин ўринлар		ҚҚР		Вилоятлар									
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Сурхондарё вилояти		Қашқадарё вилояти		
1	Акушерлик ва гинекология	6	6		1	1			1		1		1		1		1
2	Анестезиология ва реаниматология	5	5				1		1		1		1		1		1
3	Оториноларингология	8	8		3	1			1		1		1		1		1
4	Ички касалликлар (терапия)	6	6		1	1			1		1		1		1		1
5	Кардиология	5	1	4		1			1				1		1		1
6	Педиатрия	6	3	3		2		1	1				1				1
7	Дерматовенерология (тери-таносил касалликлари)	6		6		2		1	1				1				1
8	Неврология	8		8		2		1				1		2			1
9	Клиник радиология	6		6		1		1				1		1			1
10	Травматология ва ортопедия	5		5		1		1						1			1
11	Умумий хирургия	8		8		2		1				1		2			1
12	Гематология	5	3	2		2						1		1			1
13	Болалар хирургияси	5		5		1		1				1		1			1
14	Ревматология	4		4		1						1		1			1
15	Реабилитология	4	2	2		1		1				1		1			1
16	Наркология	4	4		1				1				1				1
17	Психиатрия	6	6		1	1			1			1		1			1
18	Юкумли касалликлар	4	4		1		1		1			1					1
19	Патанатомия	4	4						1			1		1			1
20	Офтальмология	6		6		1		1				1		1			1
21	Тиббий психология	6	3	3		1		1	1			1		1			1
22	Фтизиатрия	6	6		1		1		1			1		1			1
23	Суд тиббиёт экспертизаси	2	2		2												
24	Эндокринология	6		6		1		1				1		1			1
25	Лаборатория иши	6		6		1		1				1		1			1
26	Аллергология ва иммунология	3		3		1						1		1			1
27	Спорт тиббиёти	4	2	2		2		2									
28	Эпидемиология	3	3		1							1		1			
29	Касб касалликлари	6	2	4		2		1				2		1			
30	Диетология	7	2	5		2		1				1		1			1
31	Юз-жағ хирургияси	2		2		2											
	Жами:	162	47	115	9	34	5	16	8	16	10	14	10	19	5	16	

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2015 йил 15 июль

№ 290

Тошкент шаҳри

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

t/p	Мутахассисликлар	Вилоятлар																																
		Жами:		Эркин ўринлар*		ҚҚР		Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти															
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К												
1	Неонатология	8	2	6	1	3	1																	2										
2	Педиатрия	10	5	5	2	2				1	1	1							1	1				1										
3	Гематология	3	2	1		1												1																
4	Эндокринология	8	2	6		4				1				1										1										
5	Оториноларингология	12		12		4	1				1	1			1		1							1										
6	Юқумли касалликлар	6	3	3	2	2										1					1													
7	Фтизиатрия	4	3	1	1	1	1															1												
8	Офтальмология	12		12		5				1	1	1				1						1		1										
9	Дерматовенерология	8		8		4					1					1						1												
10	Психиатрия	3	3			2							1																					
11	Наркология	2	2			2																												
12	Клиник радиология	12		12		5	1				1			1				1				1		1										
13	Болалар неврологияси	8		8		4						1			1																			
14	Неврология	7		7		3					1	1										1		1										
15	Травматология ва ортопедия	8		8		4					1	1				1						1												
16	Болалар хирургияси	8	2	6		2	1				1					1						1		1										
17	Акушерлик ва гинекология	6		6		3						1										1		1										
18	Болалар ва ўсмир кизлар гинекологияси	6	2	4		2											1					1		1										
19	Болалар анестезиологиси	10	5	5	1	3							1			1	1				1	1	1											
20	Ички касалликлар (терапия)	6	2	4	1	2																1		1										
21	Кардиология	6	2	4	1	2																1		1										
22	Онкология	5	1	4		2										1	1							1										
23	Юз-жағ хирургияси	2		2		1																1												
24	Болалар юқумли касалликлари	6	3	3	1	2							1									1	1											
25	Тиббий психология	4	2	2	1	1									1							1												
26	Эпидемиология	2	2			2																												
27	Нейрохирургия	2		2		2																												
28	Спорт тиббиёти	5	5			3						1										1												
29	Клиник фармакология	2	2			2																												
Жами:		181	50	131	21	64	2	3						2	3	6	2	7	3	1		3		8	4	3	10	14	2	7	2	7		6

Тошкент врачлар малакасини ошириш институти

№	Мутахассисликлар	Вилоятлар																																	
		Жами:		Эркин ўринлар*		ҚҚР		Андижон вилояти	Бухоро вилояти	Жиззах вилояти	Навоий вилояти	Наманган вилояти	Самарқанд вилояти	Сурхондарё вилояти	Сирдарё вилояти	Тошкент вилояти	Фарғона вилояти	Хоразм вилояти	Қашқадарё вилояти																
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К			
1	Акушерлик ва гинекология	8		8																				1										1	
2	Эндокринология	5		5		2		1																			1								
3	Оториноларингология	12		12		2		1			1	1	1			1		1									1		1				1		
4	Ички касалликлар (терапия)	8		8		1		1				1				1											1								
5	Кардиология	8		8		1		1				1				1											1								
6	Офтальмология	10		10		4		1				1				1											1								
7	Педиатрия	8	4	4	1	1	1				1								1																
8	Неонатология	4	1	3		3																											1		
9	Юқумли касалликлар	7	4	3		2		1																											
10	Болалар юқумли касалликлари	6	3	3	2	2																													
11	Дерматовенерология	5		5		2																					1								
12	Неврология	5		5		1		1																			1							1	
13	Болалар неврологияси	8		8		1		1				1				1											1								
14	Патологик анатомия	4	2	2		2																					1							1	
15	Психиатрия	2	2			2																													
16	Клиник радиология	12		12		5	1																												
17	Юз-жағ хирургияси	4		4		2																													
18	Травматология ва ортопедия	6		6		3																													
19	Суд тиббиёт экспертизаси	4	4		2		1																												
20	Умумий хирургия	6		6		2							1																						
21	Болалар хирургияси	5		5		3																													
22	Гематология	5	5		2		1																												
23	Анестезиология ва реаниматология	10	5	5	1	1		1																			1	1		1					
24	Болалар анестезиология ва реаниматологияси	10	5	5		1	1																					1	1		1				
25	Фтизиатрия	4	4		3		1																												
26	Урология	8		8		2		1																											
27	Наркология	8		8		1		1																											
28	Онкология	6	1	5		2		1																											
29	Лаборатория или	5	5		2		1																												
30	Клиник фармакология	4	2	2	1	2																													
Жами:		196	55	141	17	47	6	13																											

(Давоми. Боши 1-, 3-бетларда).

(Давоми 5-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Б У Й Р У Ф И

2015 йил 15 июль

№ 290

Тошкент шаҳри

2015/2016 ўқув йилида клиник ординатурага қабул қилиш тўғрисида

Тошкент Давлат стоматология институти																										
№	Мутахассисликлар	Жами:			Эркин ўринлар*		ҚҚР		Андижон вилояти		Жиззах вилояти		Навоий вилояти		Сурхондарё вилояти		Сирдарё вилояти		Тошкент вилояти		Фарғона вилояти		Хоразм вилояти		Қашқадарё вилояти	
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К
1	Болалар терапевтик стоматологияси	10	5	5	1	1					1	1					1		1	1	1					1
2	Терапевтик стоматология	10	2	8	1	1					1		1		1		1		1			1				1
3	Ортопедик стоматология	10	2	8	1	1					1		1		1		1		1			1			1	
4	Хирургик стоматология (оғиз бўшлиғи)	10		10		2					1		1		1		1		1			1				1
5	Ортодонтия	10	2	8	1	1					1		1		1		1		1			1			1	
6	Юз-жағ хирургияси	6	1	5	1	2				1							1									
7	Болалар жарроҳлик стоматологияси	8	2	6	1	1							1		1		1		1							
Жами:		64	14	50	6	9				1	1	6		5		5	1	6	5	2	1	4		2		3

Бухоро Давлат тиббиёт институти										
Т/р	Мутахассисликлар	Жами:			Эркин ўринлар*		Бухоро вил.		Навоий вил.	
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К
1	Акушерлик ва гинекология	8		8		3		2		3
2	Анестезиология ва реаниматология	20	5	15	3	5	1	5	1	5
3	Ички касалликлар (терапия)	8		8		3		2		3
4	Кардиология	6		6		3		1		2
5	Дерматовенерология	4		4		2		1		1
6	Юқумли касалликлар	4	3	1	2		1			1
7	Неврология	4		4		2		1		1
8	Паталог анатомия	4	4		2		1		1	
9	Умумий онкология	4		4		2		1		1
10	Педиатрия	6	2	4	1	2	1	1		1
11	Клиник радиология	8		8		4		2		2
12	Оториноларингология	6		6		3		2		1
13	Офтальмология	6		6		3		1		2
14	Суд тиббиёт экспертизаси	3	3						1	
15	Травматология ва ортопедия	5		5		2		1		2
16	Урология	4		4		2		1		1
17	Фтизиатрия	4	4		2		1		1	
18	Умумий хирургия	6		6		3		2		1
19	Эндокринология	3		3		1		1		1
20	Наркология	3	3		1		1		1	
21	Болалар юқумли касалликлари	4	4		2		1		1	
22	Болалар ва ўсмир кизлар гинекологияси	4		4		2		1		1
23	Болалар хирургияси	3	1	2		1		1		1
24	Болалар неврологияси	3		3		1		1		1
25	Лаборатория иши	4	4		2		1		1	
26	Пульмонология	3		3		1		1		1
27	Неонатология	3		3		1		1		1
28	Ревматология	3	1	2		1		1		1
29	Эпидемиология	3	3		1		1		1	
30	Аллергология ва иммунология	3	3		1		1		1	
31	Гематология	3		3		1		1		1
32	Психиатрия	2	2		1		1			
33	Реабилитология (даволаш физкультураси ва спорт тиббиёти, курортология, физиотерапия)	4	2	2		1		1		1
34	Болалар анестезиологияси ва реаниматологияси	6	3	3		1		1		1
35	Тиббий психология	3	1	2		1		1		1
36	Касб касалликлари	2	2			1				1
37	Спорт тиббиёти	5	5			3		1		1
Жами:		174	55	119	25	50	16	33	14	36

Самарқанд Давлат тиббиёт институти																
№	Мутахассисликлар	Жами:			Эркин ўринлар*		Самарқанд вилояти		Жиззах вилояти		Қашқадарё вилояти		Сурхондарё вилояти		Навоий вилояти	
		Жами:	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К	Г	К
1	Акушерлик ва гинекология	6		6		1		1		1		1		1		1
2	Анестезиология ва реаниматология	16	2	14	1	1	1	1	3	3	3		3		3	
3	Ички касалликлар (терапия)	8		8		3		2		1		1		1		
4	Кардиология	4		4		2		1		1				1		
5	Гематология	3	1	2		1		1						1		
6	Дерматовенерология	6		6		2		1		1				1		1
7	Юқумли касалликлар	6	2	4	1	1	1	1	1	1		1	1	1		1
8	Неврология	8		8		2		2		1		1		1		1
9	Паталог анатомия	4	2	2		2		1		1				1		1
10	Психиатрия	5	2	3		1		1		1			1	1		1
11	Клиник радиология	8		8		2		2		1		1		1		1
12	Нейрохирургия	4		4		1		1		1		1		1		1
13	Умумий онкология	4		4		2		1		1				1		1
14	Оториноларингология	6		6		1		1		1		1		1		1
15	Офтальмология	6		6		1		1		1		1		1		1
16	Суд тиббиёт экспертизаси	4	2	2		2		1		1				1		
17	Травматология ва ортопедия	4		4		2		1		1				1		
18	Урология	4		4		1		1		1				1		
